

«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖнинг
ягона акциядорининг
2025 йил «19» айюлдаги қарори билан
3-сонли баённома**

«Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти

**ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент шаҳри – 2025 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Мазкур Низом «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» акциядорлик жамияти (бундан буён матнда жамият деб юритилади) ижроия органининг мақомини ва унинг ишини белгилаб беради.

1.2. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарликни яқка тартибдаги ижроия органи – ваколатлари жамият устави ва мазкур Низом билан белгиланадиган Бош директори томонидан амалга оширилади.

1.3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра, жамият ижроия органининг ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилотига (ишончли бошқарувчига) берилиши мумкин.

1.4. Мазкур Низом “Акцидорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 мартдаги 166-сон қарори ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

II. БОШ ДИРЕКТОРНИ (САЙЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Жамиятнинг Бош Директори акциядорлар умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади).

2.2. Жамиятнинг уставига биноан жамият Бош директорини тайинлаш чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

2.3. Бош директор лавозимига номзод жамиятга ўзининг жинойий жавобгарликка тортилганлиги фактлари тўғрисида маълум қилиши шарт.

2.4. Бош директор лавозимига у ёки бу номзодни тавсия этишда кузатув кенгаши раиси меҳнат шартномасини тузиш шартлари, бошқарув фаолияти учун тўланадиган иш ҳақи, рағбатлантириш ва компенсациялар миқдори, ва номзоднинг шахсий аризаси билан тасдиқланган, номзоднинг шартнома тузишга розилиги ҳақида хабардор қилади.

2.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг Бош директорни сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари бўлган, йиғилишда иштирок этаётган акциядорларнинг кўпчилик (оддий кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

2.6. Жамият Бош директори лавозимига номзодлар ўз номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин. Жамият Бош директори лавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) сўнг кузатув кенгаши у билан директор вазифаларини бажариш учун уч йил муддатга шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилган ҳолда шартнома тузади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг Бош директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

2.7. Акциядорлар умумий йиғилиши жамият Бош директори билан шартномани:

- шартнома шартларини бузганда;
- жамият уставини қўпол тарзда бузса;
- ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

III. ЖАМИЯТ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Жамият Бош директорининг ваколатига жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар умумий йиғилишининг ёки жамият кузатув кенгашининг мутлақ ваколат доирасига киритилган масалалар бундан мустасно.

3.2. Бош директор, қонунчилик, жамият устави, мазкур низом, у билан тузилган шартнома шартлари, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари билан белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қилади.

3.3. Бош директорнинг ҳуқуқлари эга:

- жамият номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қабтӣ назар барча корхона ва ташкилотларда жамиятнинг манфаатларини ифодалаш;
- жамиятнинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларида биринчи имзо қўйиш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб, валюта ва бошқа ҳисоблар очиш;
- жамиятнинг мижозлари, шунингдек бошқа ташкилотлар ва корхоналар билан битимлар тузиш ва шартномаларни (контрактларни) имзолаш;
- жамият номидан ҳужжатларни имзолаш;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш;
- ходимларнинг штатлар жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;
- ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномалари тузиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;
- Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатларга биноан, жамият ходимларига меҳнатга ҳақ тўланишини (барча турдаги мукофотлар, қўшимча, устама ва меҳнатдаги иштироки учун коэффицентлар) белгилаш;
- жамиятнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва жамият ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- жамият номидан ишончномалар бериш;
- жамият номидан унинг вакиллари учун жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув органларида овоз берганда позицияни белгилаш;
- жамият бизнес-хатарларининг ва ижроия органи жавобгарлигининг суғурталанишини амалга ошириш;
- жамиятнинг барча ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;
- жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, тасдиқланиши акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган ички меъёрий ҳужжатлардан ташқари;
- қонунчиликка, жамият уставига ва меҳнат шартномасига биноан бошқа ҳуқуқларга эга.

3.4. Бош директорнинг мажбуриятлари:

- жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда, унинг кундалик фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъий назар – барча ташкилотларда ва корхоналарда жамиятнинг манфаатларини ҳимоялаш;
- жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг ижро этилишини ташкил этиш;
- жамият таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали муносабатларини таъминлаш;
- жамият шартномавий мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни ва ижтимоий соҳани ривожлаштириш учун зарур бўлган миқдорларда даромад олиншини таъминлаш;
- жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режаларини ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- жамият фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилинишини таъминлаш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тегишли ҳолати ва ҳаққонийлигининг ташкил этилишини, ҳар йилги ва бошқа ҳисоботларнинг, ҳамда акциядорларга, кредиторларга ва бошқа маълумот олувчиларга юбориладиган жамият фаолияти ҳақидаги маълумотларни тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- ҳар чоракда кузатув кенгаши олдида йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги тўғрисида ҳисобот бериш;
- жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни жамиятнинг кузатув кенгаши ва аудитори талабига кўра тўсқинликсиз тақдим этиш;
- давлат статистика ҳисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш;
- агар махфий маълумотларни учинчи шахсларга бериш унинг мажбуриятлари доирасига кирмаса, жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларни сир сақлаш;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи маълумотларнинг жамият ходимлари томонидан сир сақланишини таъминлаш;
- жамиятни малакали ходимлар билан таъминлаш, жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан самарали фойдаланиш чораларини кўриш;
- меҳнат интизомини сақлаш;
- жамият ходимларининг ижтимоий кафолатлари ва меҳнат муҳофазасига риоя қилишларини таъминлаш;
- ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали ўзининг, ҳамда жамият мансабдор шахсларининг малакасини оширилишини таъминлаш;
- жамоа музокараларида иштирок этиш, жамоа шартномалари ва битимлари тузилганда иш берувчи сифатида чиқиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;
- жамият акциядорлари умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига белгиланган муддатларда унинг ваколатларига кирадиган ишларнинг ҳолати ҳақида ёзма билдиришномалар тақдим этиш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорлар умумий йиғилишларда қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилиш;

— жамият томонидан битимлар тузилаётганда жамиятнинг кузатув кенгашини, унинг аффилиланганлиги ҳолатларини хабардор қилиш;

— амалдаги қонунчиликка, жамият уставига ва жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

3.5. Жамиятнинг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан тузиладиган шартномада келишилади.

3.6. Жамият Бош директорининг вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларида ўриндошлик билан бажаришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан рухсат этилади.

IV. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Жамият Бош директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

4.2. Жамият Бош директори ўз иш фаолияти даврида жамиятнинг маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар кўрсатишда қийинчилик туғдирадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмас. Бош директор жамиятда лавозимга тайинланганда шунга ўхшаш корхоналарда ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида жамият кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

4.3. Жамият Бош директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги натижасида жамиятга етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва жамият уставига мувофиқ етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича жамият олдида жавобгардир.

4.4. Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг бир фоиздан кам бўлмаган миқдорининг эгаси саналган Жамият акциядори (акциядорлари), жамиятга етказилган зарарни қоплаш юзасидан жамият директорига нисбатан судга мурожаат қилишга ҳақли.

4.5. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг Бош директори устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

V. ҲАҚ ТЎЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва моддий рағбатлантириш миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низом талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

5.2. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва моддий рағбатлантириш «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖнинг «Кузатув кенгаши ва ижроия органи аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низом»да белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.3. Жамиятнинг Бош директорига тўланадиган ҳақ ва моддий рағбатлантириш ҳар чоракда тўланадиган асосий иш ҳақи кўринишида амалга оширилади, унинг миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

5.4. Бош директорга асосий иш ҳақидан ташқари, давлат, умуммиллий ва касбий байрамлар муносабати билан жамиятнинг самарадорлик муҳим кўрсаткичларидан қатъий

назар меҳнат жамоасининг барча аъзоларига жамоавий шартномага асосан тўловлар амалга оширилади.

VI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

6.1. Низом ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ягона акциядорнинг қарори билан тасдиқланади.

6.2. Низомга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар жамият кузатув кенгаши аъзоларининг таклифларига кўра киритилади.

6.3. Агар Низомнинг алоҳида моддалари Республикаси Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, унда ушбу моддалар ўз кучини йўқотади ва унинг мазкур моддалар билан тартибга солинадиган қисмида, мазкур Низомга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, Республикаси Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги ва/ёки Жамият Устави нормаларига амал қилиш керак.